

I БОБ. СИРТДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИШ

1§. Сиртдан иш юритиш тушунчаси ва аҳамияти

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти фуқаролик процессуал қонунчилигидаги янги институт ҳисобланиб, мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Фуқаролик процессуал кодексида илк бор ўз аксини топган.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида 224-236-моддалардан иборат “Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш” деб номланган 19 боб вужудга келди.

Сиртдан иш юритиш институтининг киритилишидан мақсад, фуқаролик процессида тортишувчилик тамойилини қўшимча равишда кафолатланишини мустаҳкамлаш, тарафларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарлик даражасини ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларни мазмун моҳиятини йўқотмасдан белгиланган вақтда кўриб ҳал этиш билан манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир¹.

Маълумки, суд мажлисига жавобгар тарафнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш жараёнини узайтирувчи ва даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қайта тиклашга тўсқинлик қилувчи, даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган шакли сифатида эътироф этилади².

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш бизнинг фуқаролик процессуал қонунчилигимиз учун янгилик бўлсада, ушбу институт кўплаб давлатлар ҳуқуқ тизимларида, жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқида ҳам сиртдан иш кўриш тартиби мавжуд.

Сиртдан иш юритиш деганда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгарнинг узрли сабабларсиз суд мажлисига келмаслиги ва даъвогар розилиги асосида ишни жавобгарнинг

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2001. 254 б.

² Мамасиддиқов М.М. Ишни сиртдан кўриш институти. /Инсон ва қонун газетаси. 2004 йил 10 февраль.

иштирокисиз кўриб ҳал қилиш тушунилади. Бундай суд жараёнларида ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйилмайди. Бунда, **биринчидан**, тегишли процессуал тартиб ва қоидалар бузилмайди, **иккинчидан**, даъвогарнинг розилиги асосида иш кўришга йўл қўйилади, **учинчидан**, жавобгарнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги таъминланади.

Юридик адабиётларда, хусусан, суд амалиётида ҳам бу борада “сиртдан иш кўриш”, “сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш”, “сиртдан иш юритиш” тушунчалари қўлланилади, лекин асосий мазмун-моҳият ишни сиртдан кўриб ҳал қилишга бориб тақалади. Аслида бу тушунча иш кўришнинг бир шакли саналиб, умумий процессуал тартиб-қоидаларга (айрим истиснолар билан) асосланади.

Сиртдан иш юритишнинг ўзига хос **процессуал хусусиятлари** қуйидагиларда, яъни:

Биринчидан, қонунда белгиланган тартибда жавобгар хабардор қилинганлигига қарамай, жавобгарнинг суд жараёнида иштирок этмаслиги;

Иккинчидан, жавобгар иштирокисиз иш кўришга даъвогарнинг розилиги олинishi шартлиги;

Учинчидан, иш материалларида жавобгарнинг хабардор қилинганлигига оид ҳужжатларнинг бўлиши шартлиги;

Тўртинчидан, сиртдан иш кўришга сиртдан иш юритиш ҳақидаги ажрим асосида йўл қўйилиши;

Бешинчидан, сиртдан иш юритишда суд мавжуд далиллар доирасида ишни кўриши шартлиги;

Олтинчидан, иш сиртдан кўрилганда даъвонинг предмети ёки асоси ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмаслиги;

Еттинчидан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини уни чиқарган суд томонидан жавобгарнинг аризаси асосида қайта кўриб чиқирилиши мумкинлиги;

Саккизинчидан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида шу судга ариза берганлик учун давлат божи тўланмаслиги;

Тўққизинчидан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан тарафлар апелляция, кассация шикояти ва прокурор протести келтирилиши мумкинлигида кўринади.

Сиртдан иш юритишнинг **аҳамияти** шундаки,

Биринчидан, тарафларнинг суд олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англашларига имконият яратилиши;

Иккинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг мавжуд процессуал тартибга риоя қилишларини таъминлаш;

Учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловни амалга оширишга бўлган масъулиятини кучайтириш;

Тўртинчидан, вақтни тежаш, процессуал муддатларга риоя қилишни таъминлашга қаратилган.

2-§ Сиртдан иш юритиш шартлари ва тартиби

Фуқаролик ишини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида уларга риоя қилиниши иш юзасидан чиқарилажак ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг кафолати ҳисобланади. Жавобгар суд жараёнида иштирок этмаган тақдирда, ишни сиртдан кўриб ҳал қилиш мумкин бўлади ва бу **сиртдан иш юритишнинг биринчи шarti** ҳисобланади. Жавобгарнинг суд мажлисига келмаслик сабабларини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин бўлади, чунончи:

◆ агар ишда жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлиги тўғрисида тегишли маълумотлар бўлмаса;

◆ агар суд жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлиги сабабини узрсиз деб топса;

◆ агар жавобгарнинг қасддан иш кўриш муддатини чўзаётганлиги маълум бўлса ва бошқалар.

Шу ўринда суд ишда жавобгарга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаса ёки унда жавобгарнинг суд мажлисига қатнашмаслиги сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга олиб келиши тўғрисида тегишли маълумотлар берилмаган бўлса, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин эмаслигига судлар эътибор беришлари лозим.

Даъвогарнинг жавобгар иштирокисиз сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга берган розилиги **сиртдан иш юритишнинг иккинчи асосий шarti** ҳисобланади. Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган

жавобгарга судда такрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайта хабар юборади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, агар тарафлар (даъвогар ва жавобгар) узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса ёхуд уларнинг бирортаси ҳам ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза бермаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 671-П-сон Қонуни таҳриридаги ўзгартишларга асосан суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланган.

Сиртдан иш юритишнинг шартлари (асослари) қуйидагича таснифланади:

Биринчидан, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса;

Иккинчидан, жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот мавжуд бўлса;

Учинчидан, ишни сиртдан жавобгарсиз кўришга даъвогар эътироз билдирмаса;

Тўртинчидан, ишни сиртдан кўриш ҳақида суд ажрим чиқарса.

Сиртдан иш кўриш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ФПКнинг 226-моддасида иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ваз ва илтимосларини эътиборга олиб, сиртдан ҳал қилув қарори чиқаради. Бундай тартибда иш юритишда даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

3-§ Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ва унинг мазмуни

Суднинг ҳал қилув қарори — одил судлов акти бўлиб, ишга оид далиллардан фойдаланган ҳолда ишнинг ҳақиқий ҳолатини очиш, моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларини тадбиқ этиш орқали фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мақсад ва вазифаларни ўзида ифодалайди.

Бизга маълумки, суднинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланаётган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳужжати ҳисобланади. Бу эса судларга сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва эътибор билан ёндашиш лозимлигини белгилайди. Фуқаролик процессуал кодексининг 18-моддасига кўра, барча суд қарорлари каби сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари ҳам қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим.

Одатда фуқаролик ишлари бўйича сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрлари талабларига аниқ риоя қилинган ҳолда чиқарилиши зарур. Лекин бу борада суд амалиётида баъзи муаммо ва камчиликлар учраб туради. Хусусан, судлар томонидан сиртдан чиқарилган баъзи ҳал қилув қарорлари уларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги билан боғлиқ талабларга жавоб бермайди. Айрим сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларида иш ҳолатлари тўлиқ ифода этилмаган, далиллар таҳлил қилинмаган, уларга баҳо бериш ва аниқланган ҳолатларни ҳуқуқий мушоҳада қилиш билан боғлиқ муҳим вазифалар амалга оширилмаган, низо бўйича суднинг хулосалари ҳар доим ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайди. Қатор суд қарорларида иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатлар кўрсатилмайди ва ишнинг ҳолатидан келиб чиқадиган суднинг хулосалари мавжуд эмас, айрим ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвони рад этиш, айниқса, уни қисман рад этиш асослари ҳар доим ҳам келтирилмайди, ҳал қилув қарорининг хулоса қисми тушунарсиз баён этилганлиги сабабли уларни ижро этишда баъзи қийинчиликлар келиб чиқмоқда.

Ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттиришда суд, унинг сиртдан чиқарилганлигига асосий эътиборни қаратмоғи даркор.

Фуқаролик ишларини сиртдан кўриб ҳал қилаётган судлар кўпинча ушбу ҳал қилув қарорларининг чиқарилиш тартибини белгиловчи бирин-кетинликка амал қилмасликлари ҳолати суд амалиётида рўй бермоқда. Ўз навбатида ҳал қилув қарорини чиқаришда ФПКнинг 206-моддасида акс эттирилган бирин-кетинликка риоя қилмаслик ҳолатлари сиртдан чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг тушунарсиз бўлишига ва ҳатто, юқори судлар томонидан апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилинишига асос бўлмоқда.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қарори шаклида чиқарилади. Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради. Суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлинганидан сўнг дарҳол чиқарилади. Алоҳида ҳолларда жуда мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини суд ишни кўриш тамомланган мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиши керак. Айни бир вақтда суд ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб чиқишлари мумкинлигини эълон қиладди. Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми судья (судьялар) томонидан имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади (ФПКнинг 203-м).

Ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди (ФПКнинг 204-моддаси).

Суд ҳал қилув қарорини чиқараётганида далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандайлари аниқланмаганлигини, бу ишга нисбатан қандай қонун қўлланилиши лозимлигини ва арз қилинган талабни қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини аниқлайди. Суд, шунингдек, суд харажатларини тақсимлайди, ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини белгилайди, бошқа қўшимча масалаларни ҳал этади. Агар иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текшириш зарур бўлиб қолса, суд ҳал қилув қарори чиқармасдан, ишни судда кўришни тиклайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд ишни фақат қўшимча текширишга мухтож ҳолатлар доирасидагина кўради (ФПКнинг 205-м).

ФПКнинг 206-моддасида ҳал қилув қарорининг мазмуни кўрсатилиб, унга кўра, ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади³.

Сиртдан чиқарилган **ҳал қилув қарорининг кириш қисмида** ҳал қилув қарорининг чиқарилган вақти ва жойи, ҳал қилув қарорини чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2014. 360 б.

мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек низо предмети кўрсатилади. Шунингдек, ҳал қилув қарорининг бошида “Сиртдан” деган жумла ишлатилади.

Сиртдан чиқарилган **ҳал қилув қарорининг баён қисмида** жавобгарнинг эътирозлари мавжуд бўлмайди. Агар ишда жавобгарнинг тушунтиришлари мавжуд бўлса, у қатнашмаган ҳолда ушбу тушунтиришлар ва эътирозлар таҳлил этилганлиги албатта белгилаб қўйилиши лозим бўлади.

Сиртдан чиқарилган **ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида**, умумий асосларда чиқарилган суд ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда жавобгарнинг тушунтириш ва эътирозларини акс эттирувчи ҳолатлар ва ушбу ҳолатларни тасдиқловчи далиллар берилмайди, чунки суд бундай маълумотга эга бўлмайди, жумладан ҳал қилув қарорининг ушбу қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалари, шунингдек низоли муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ меъёрлари (фуқаролик, оила, ер, меҳнат, уй-жой тўғрисидаги ва бошқа қонунлар) келтирилмоғи, қонуннинг номи, моддаси, банди ҳамда процессуал ҳуқуқ меъёрлари кўрсатилмоғи лозим. Зарур ҳолатларда суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ҳам қўллаши лозим бўлади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг номи тўлиқ келтирилиши, даъво талабларини қаноатлантирилганлиги (тўлиқ ёки қисман) ҳақидаги суднинг қисқа ва аниқ хулосаси акс эттирилиши лозим. Шунингдек, суд харажатларининг тақсимланиши, сиртдан ҳал қилув қарори устидан шикоят ва протест келтириш муддати ва тартиби аниқ кўрсатилиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, суд жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса, даъвогарнинг розилиги билан ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш ҳақида ажрим чиқаради. Мазкур ажримда қуйидагиларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Ажримда ажрим чиқарилган вақт ва жой, шунингдек суднинг номи, раислик этувчининг исми, фамилияси, отасининг исми, суд мажлиси котиби, суд мажлиси иштирокчиларининг исми, фамилияси, кўрилаётган ишнинг қисқача мазмуни, жавобгарнинг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги, ишни сиртдан кўриш учун

асослар мавжудлиги, даъвогарнинг розилиги, ажрим қарори ҳамда раислик этувчининг имзоси кўрсатилиши зарур.

Ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш ҳақидаги ажрим чиқаргандан сўнг сиртдан иш юритиш жараёни бошланади. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ФПК амалга киритилган кундан ҳозиргача бўлган қисқа давр ичида судлар томонидан сиртдан ҳал қилув қарорлари жуда кўплаб чиқарилмоқда.

Аммо сиртдан иш юритишда тарафларнинг, айниқса даъвогарларнинг айрим процессуал ҳуқуқларини амалга оширишларида чеклашлар ҳамда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг айрим тамойилларининг амал қилмаслигини ҳам кузатиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам судларнинг иш бўйича бор ҳақиқатни аниқлашларида қийинчиликлар туғилиши мумкин. Шундай бўлсада, суд ишни тақдим қилинган далиллар доирасида кўриб чиқади, иш ҳолатига кўра исботлаш воситаларини ҳаракатга келтиради. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қарорида ФПКнинг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига кўра асослантирилади. Ҳал қилув қарори ФПКнинг 58, 59-моддаларида белгиланган далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар эътиборга олинган ҳолда чиқарилади.

ФПКнинг 203-моддасига кўра, судья ёки суд ишни мазмунан кўриб бўлганидан сўнг шу суд мажлисининг ўзидаёқ дарҳол узилокесил ҳал қилув қарори чиқаради. Айрим ҳолларда алоҳида мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин.

Чиқарилган ҳал қилув қарори тушунарсиз бўлган тақдирда, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда ФПКнинг 215-моддасида белгиланган қоидаларга кўра қилинмаган ва уни мажбурий ижро қилдириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлсагина, уни тушунтиришга йўл қўйилади. Ҳал қилув қарорининг тушуниш қийин бўлган қисмларини тўлиқроқ ва тушунарли баён этишда, суд унинг мазмунини

ўзгартиришга ва ҳал қилув қарорида баён этилмаган масалаларни ҳал қилишга ҳақли эмас.

ФПКнинг 213-моддасига биноан, суд ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра тузатиши мумкин. Тузатиш киритиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Умумий тартибда чиқарилган ҳал қилув қарорларига нисбатан қўлланиладиган ушбу талаблар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига ҳам тадбиқ этилади. Мазкур ҳолатларда фақат даъвогар барча процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

4-§. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ариза ва шикоят бериш (протест келтириш) учун асослар, уни қайта кўриш тартиби

Суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида уларни қайта кўриш (апелляция, кассация, назорат тартибида) муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, судда қабул қилинган қарорлар тарафларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилади. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасида норози бўлган шахслар юқори судга шикоят ёки протест билан мурожаат қилиб, унинг қайта текширилишини сўрашлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбурлар⁴.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 311-моддасига биноан, суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув:

1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти ёки апелляция протести бўйича;

2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

⁴ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. -512 б.

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикоят ёки кассация протести бўйича;

4) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

5) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида берилган ариза бўйича;

6) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида берилган ариза бўйича кўзғатилади.

Юқоридаги асослар билан биргаликда фуқаролик процессуал қонунчилигида сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда ҳам даъвогарнинг, ҳам жавобгарнинг манфаатлари эътиборга олиниб, шикоят бериш (протест келтириш)нинг турли шаклларида фойдаланиш ҳукуқи кафолатланган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 229-моддасига асосан, жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин 15 кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризада қуйидагилар бўлиши керак:

1) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;

2) ариза бераётган тарафнинг номи;

3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати;

4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;

5) аризага илова қилинган материалларнинг рўйхати.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди (ФПКнинг 230-м).

Суд ишда иштирок этувчи шахсларни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи

ҳақида хабардор қилади, уларга шу ариза ва унга илова қилинган материалларнинг нусхаларини юборади (ФПКнинг 231-м).

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани ариза тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида суд мажлисида кўради. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Суд аризани кўрганидан кейин ажрим чиқаради. Суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақида чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши мумкин (ФПКнинг 232-м).

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, ўзининг ажрими билан:

1) аризани қаноатлантирмай қолдиришга;

2) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклашга ҳақли (ФПКнинг 233-м).

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим (ФПКнинг 234-м).

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори шу қарорни чиқарган суд томонидан бекор қилинса, ишни мазмунан кўриш тикланади ва ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилади. Агар ФПКнинг 132-139-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса ҳам, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган ҳисобланмайди. Жавобгар бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган қарор сифатида қайта кўрилишини сўраб, ариза беришга ҳақли эмас (ФПКнинг 235-м).

Юқори судлар апелляция, кассация шикояти ва протестларини кўриш орқали биринчи инстанция судларининг хатоларини тузатади ва шу билан одил судловнинг тўғри амалга оширилишига, фуқаролик процессуал ҳукукий муносабатларда қатнашувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, қуйи судларнинг қарорларини текшириш орқали иш бўйича қонуний ҳал қилув

қарорлари чиқариш учун қайта юборади, судларда қонунларни тўғри тадбиқ этилишини талаб этади ва улар устидан назорат олиб боради.

Прокурор суд жараёнида иштирок этган-этмаганлигидан қатъий назар, апелляция ёки кассация, шунингдек назорат протести келтириши мумкин.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судда иштирок этган давлат бошқаруви органлари, касаба уюшмалари муассасалар, корхоналар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, айрим фуқаролар ҳам шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шикоят қилиш ҳуқуқи суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ апелляция ёки кассация шикояти берилиши билан амалга оширилади. Шунингдек, тарафлар ёки улардан бири ишнинг назорат инстанциясида қайта кўрилишини талаб қилиш мақсадида назорат тариқасида протест келтирилиши сўралган ариза билан назорат протести келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга мурожаат қиладилар.

Апелляция шикояти ёки протестининг мазмуни ва уни бериш тартиби ФПКнинг 322-323-моддаларида белгиланган. Бунда кўрсатилишича, апелляция шикояти ёки протестининг мазмунида шикоят ёки протест берувчи шахснинг номи, шикоят қилинаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва бу ҳал қарорини чиқарган суд, ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги, шикоят бераётган ёки протест берувчи шахснинг илтимоси, шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати кўрсатилади.

Апелляция шикояти ёки протести суд мажлисида иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб нусхалар билан қўшиб берилади.

Судья, зарур ҳолларда, апелляция шикояти берган шахсга ёки протест келтирган прокурорга апелляция шикоятига ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг ишда иштирок этувчи шахслар сонига қараб нусхалар билан топшириш мажбуриятини юклайди.

Асослантирилмаган шикоят ёки протестнинг берилиши қарорнинг текширилишини қийинлаштиради, бироқ шундай бўлса-да, ишда иштирок этувчиларни шикоят ёки протестга эътирозлар билдириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарорига келтириладиган апелляция шикоятидан низоли сумма бўйича даъво аризалари учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи олинади. Агар апелляция шикояти ёки протести беришда ФПКнинг 322 ва 323-

моддаларининг талаблари бузилган бўлса ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс давлат божи тўламаган бўлса, апелляция шикоятни ёки протест ҳаракатсиз қолдирилади. Апелляция шикоятни ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья шу шикоятнинг ёки протестни ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб, ажрим чиқаради. Шикоят ёки протест берган шахс белгиланган муддатда ажримда кўрсатилган камчиликларни тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга такдим этилган кунда берилган деб ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят ёки протест берган шахсга қайтарилади.

Ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш, протест келтириш учун белгиланган муддат ичида ишни суддан ҳеч кимнинг талаб қилиб олиши мумкин эмас. Ишда иштирок этувчи шахслар ва прокурор иш материаллари ва берилган шикоят ёки протест билан танишишга ҳақлидирлар.

Ҳал қилув қарорининг юқори инстанция судида мумкин қадар тўла текширилишини кўзлаб қонун (ФПКнинг 327-моддаси) ишда иштирок этувчи шахсларнинг шикоят ёки протест юзасидан судга тушунтириш, изоҳ беришга (эътироз билдиришга) ва бу эътирозни тасдиқлайдиган ҳужжатларни унга илова қилиб топширишга ҳақли бўлишлари кўрсатилади. Тушунтириш (эътироз) нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб берилади.

Агар фуқаролик ишлари умумий асосларда кўрилганда ҳал қилув қарорида норози тарафга юқори судга шикоят бериш (прокурорга протест келтириш) ҳуқуқи кўрсатилса, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорида эса, шикоят бериш, протест келтиришнинг турли шакллари кўрсатилади.

Проф. Ш.Ш.Шораҳметов таъкидлаганларидек, сиртдан кўрилган иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят қилиш муддати бирмунча қисқага ўхшайди. Бу тартиб сиртдан иш кўришнинг ўзига хос хусусиятларига киради. Бироқ қонун бу билан кифояланмай, тарафларга шикоят қилиш ҳуқуқини апелляция тартибида ҳам амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда манфаатдор шахс ФПКнинг 37-бобида берилган қоида асосида иш тутмоғи лозим.⁵

⁵ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. -257 б.

Худди шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан кассация шикояти (протести) ҳам келтириши мумкин.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин (ФПК 348¹-м).

Кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанцияси суди номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади. Вакил томонидан берилган кассация шикоятига ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим. Кассация шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади (ФПК 348³-м).

Кассация инстанцияси суди зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш беришни (эътироз билдиришни) таклиф қилади. Тушунтиришларнинг (эътирозларнинг), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича далилларни талаб қилиб олишга кўмаклашади (ФПК 348⁹-м).

Ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикояти ёки протестининг важлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин (ФПК 348¹³-м).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари ва тартиби **умумий ва махсус хусусиятга** эга. Жумладан, тарафларнинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация шикояти бериш (протест келтириш) асослари ва тартиби Фуқаролик процессуал кодексида берилган умумий қоидаларга асосан амалга оширилади ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг 312-314 моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳам сиртдан ҳал қилув қарори бекор қилиниши мумкин.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилишнинг **махсус хусусияти** шундаки, мазкур қарор фақат жавобгарнинг аризасига кўра, Фуқаролик процессуал кодексининг 234-моддасида

кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши кўрсатилган, яъни суд, **биринчидан**, тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини, **иккинчидан**, тараф сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиш мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни мазмунан кўради.

Сиртдан иш юритиш институтининг ўзига хос процессуал хусусиятларидан бири сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза берганлик учун давлат божи тўланмаслигидир.

Жавобгар узрли сабабларга кўра, суд мажлисига кела олмаганлигини исботлаш учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни кўрсатиши керак. Бундай ҳолатларга, масалан, табиий офатлар, урушлар, узоқ муддатли хизмат сафарлари, касаллик ҳолатлари ва бошқа суд мажлисига келишга имкон бермайдиган ҳолатлар мисол бўла олади.

Масалан, жавобгар Н.А сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори нусхасини олгандан сўнг, ФПКнинг 229-моддасига асосан суд чиқарган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида ариза беради ва унда суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганлигидан далолат берувчи ҳолатларни кўрсатади⁶.

Статистик маълумотларга қараганда, 2006 йил давомида Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судлари томонидан жами 4356 та сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилиб, шундан 41 таси биринчи инстанция судида бекор қилинган, юқори инстанцияларда бекор қилинганлик ҳолати вужудга келмаган.⁷ Бу ўз-ўзидан жавобгар манфаатларини судда ҳимоя қилиш самарали таъминланганлигидан далолат беради.

5-§ Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучи ва ижроси

Дастлаб сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгарнинг муносабатини қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин бўлади:

⁶ –Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2005 йил архив материаллари.

⁷ Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди Суд статистикасининг 2006 йил маълумотларидан

1) жавобгар сиртдан чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг нусхасини олгандан сўнг, кўпинча унда кўрсатилган қарорга рози бўлади;

2) жавобгар суд чиқарган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида ариза бериш ҳуқуқини яхши англаб етмаган бўлади;

3) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қароридан нусха ўз вақтида жавобгарга етиб бормайди ва натижада сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ўтиб кетади;

4) жавобгар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори чиқарилганлиги ҳақида ижро чоралари қўлланилгандагина хабардор бўлади.

Ҳар қандай фуқаролик низосининг якуни унинг ижроси билан белгиланади. Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан жавобгар 15 кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза билан шу судга мурожаат қилмаган ёки 20 кун муддат ичида тарафлар шу суд орқали юқор судга апелляция шикояти бермаган, прокурор эса протест келтирмаган бўлса, ушбу сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган ҳисобланади. Шунингдек, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан бир йил ичида тарафлар кассация шикояти беришлари, прокурор кассация протести келтириши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 217-моддасига асосан, суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради.

Умумий қоидага кўра, ФПКнинг 218-моддасига асосан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ҳам қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан, судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, ажрим, қарор) асосида ижро варақалари беради ва бу бевосита ижро ҳужжати саналади.

Ижро ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини модий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш

департаменти⁸нинг жойлардаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) ҳудудий бошқармалари ҳамда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари ижрочилари томонидан амалга оширилади.⁹

Суд ижрочиси суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан ижро ҳужжатини қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт. Бунда фақат ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати (3 йиллик) ўтмаган бўлиши керак.

Чунки “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун¹⁰нинг 27-моддасига кўра, умумий юрисдикция судларининг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари – 3 йил мобайнида ижрога топширилади.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

Қонунга биноан, ижро ҳужжати амалда ижро этилганда, ижро иши юритиш тугатилганда ва бошқа асосларга биноан ижро иши юритиш тамомланади:

Суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради (Қонуннинг 41-м).

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади (Қонуннинг 45-м).

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар қандай суд қарорининг якуний натижаси унинг ижроси таъминлангандагина ўз вазифасини амалга оширган саналади. Ана шундагина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси самарали яқунланган деб ҳисоблаш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институтининг вужудга келиш тарихи ва сабабларини тушунтиринг?

⁸ Кейинги ўринларда матнда “Суд департаменти” деб юритилади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПК-458-сонли қарорига 1-Илова сифатида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низом.

¹⁰ Кейинги ўринларда матнда “Қонун” деб юритилади.

2. Сиртдан иш юритиш асослари ва тартибини тушунтиринг?
3. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ва унинг мазмунини изоҳланг?
4. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ариза ва шикоят бериш (протест келтириш) учун асосларни тушунтиринг?
5. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини ижро этиш хусусиятларини изоҳланг?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Бизнинг йўлимиз-демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” деб номланган маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 8 декабрь.
3. Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” деб номланган маърузаси // “Тошкент оқшоми” газетаси. 2012 йил 20 январь, №14 (12.075)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 16 мартдаги Халқ депутатларининг Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи // “Тошкент оқшоми” газетаси. 2012 йил 17 март, №54 (12.115)

Махсус адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. / А.А.Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.А.Ахмадшаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2014. – 520 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2014. – 360 б.
5. Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. – М.: ТК Велби, 2004. – 432 с.
6. Горохов Б.А. Практика применения Гражданского процессуального кодекса Российской Федерации. Практическое пособие. / Б.А.Горохов, В.П.Кнышев, С.В.Потаценко. Под ред. В.Н.Соловьева. – 2-е изд., пер и доп. – М.: Юрайт, 2010. – 674 с.
7. Гражданский процесс России. Учебник. / Под. ред. М.А.Викут. – М.: Юрист, 2004. – 459 с.
8. Гражданское процессуальное право. Учебник. / Под. ред. проф. Л.В.Тумановой. – М.: ТК Велби. Проспект, 2008. – 608 с.
9. Гражданский процесс: наука и преподавание. Учебник. / Под. ред. М.К.Треушников, Е.А.Борисовой. 3-е изд., пер. и доп. – М.: Городец, 2005. – 416 с.
10. Марипова С.А. Гражданский процесс. Учебник. Общая часть. – Тошкент: ТГЮИ, 2009. – 640 с.
11. Мамасиддиқов М.М. Буйруқ тартибида иш юритиш. Ўқув амалий қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 117 б.
12. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. О.Окюлов. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 534 б.
13. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент: АҚҲМИ, 2009. – 124 б.

14. Осокина Г.Л. Гражданский процесс. Общая часть. Учебное пособие. 2-е изд., пер и доп. – М.: Норма, 2008. – 752 с.
15. Осокина Г.Л. Гражданский процесс. Особенная часть. – М.: Норма, 2010. – 960 с.
16. Решетникова И.В. Гражданский процесс. 5-е изд., пер и доп. – М.: Норма, 2008. – 336 с.
17. Савченко С.А. Гражданский процесс. Учебное пособие. – Тюмень: ТюмГУ, 2007. – 432 с.
18. Треушников М.А. Гражданский процесс. Теория и практика. – М.: Городец, 2008. – 352 с.
19. Туманова Л.В., Владимирова И.А., Владимирова С.А. Гражданское процессуальное право. Учебное пособие. – М.: Проспект, 2010. – 304 с.
20. Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари. / Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 196 б.
21. Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаева Т.Н. Фуқаролик процесси. Маърузалар курси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 198 б.
22. Ходжиев Ю. Суд қарорларини ижро этишининг айрим масалалари. – Тошкент: Академия, 2008. – 31 б.
23. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида тадбиқ этиш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 163 б.
24. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2001. – 512 б.
25. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига Шарҳ. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 361 б.
26. Shorahmetov SH.SH. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik prosessual huquqi. Darslik. – Тошкент: Adolat, 2007. – 539 б.
27. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига Шарҳлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 960 б.
28. Эгамбердиев Э. Суд ишларини юритиш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2008. – 72 б.

29. Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 290 б.

30. Эсанова З.Н. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ низоларни судда кўриш. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 256 б.

31. Эсанова З.Н. Фарзандликка олиш: моддий ва процессуал жиҳатлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 101 б.

32. Эсанова З.Н. Ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ низоларни судда кўрилиши: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 120 б.

33. Якубов С.А. Стороны в гражданском процессе. – Тошкент: Konsaudition form-Nashr, 2006. – 170 с.

34. Якубов С.А. Предмет судебной деятельности по гражданским делам. – Тошкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2009. – 75 с.